
Ҳуқуқий тарғибот

Данғара тумани адлия бўлими ва бўлим тизимидаги адлия органлари ходимлари томонидан "Ҳуқуқий тарғибот куни" лойиҳаси доирасида Чинобод МФЙда аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш мақсадида сайёр қабул ҳамда хонадонбай тадбирлари ўтказилди.

Мазкур тарғибот тадбирлари давомида фуқароларга қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамиятини манзилли етказиш билан бирга аҳолининг ижтимоий ҳимоясига доир, коммунал хизматлар, бандликни таъминлаш ва бошқа муаммоли масалаларига ҳуқуқий тушунтириш бериб ўтилди.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг жорий йил 30-июл кунги 33 сонли йиғилиш баёнида белгилаб берилган топшириққа асосан бугунги кунда ишсиз аҳолини бандлигини таъминлаш бўйича мавжуд имтиёзлар ҳақида тушунтиришлар бериб ўтилди.

2024-08-08 18:23:49